

БАНК КРЕДИТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РАВНАҚИДИР.

Н.Турсунов, М.Мелибоев (НамМТИ)

Бугун давлатимиз томонидан иқтисодиётнинг муҳим бўғини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, жойларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг изчил ривожини янги иш ўринлари яратилишига асос бўлмоқда. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ички бозорни импорт ўрнини босувчи, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, давлатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, иқтисодий жараёнларнинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини кучайтирмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодий фаол аҳолининг 65-75 фоизи хусусий секторда бандлигини ҳисобга оладиган бўлсак, албатта бу сектор фаолият юритиши учун барча шароитлар мавжуд бўлишини, янада самарали механизмни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса тадбиркорликнинг давлат томонидан ҳам ҳуқуқий-маъмурий механизмлар, ҳам молиявий-иқтисодий механизмлар орқали қўллаб-қувватланишига эҳтиёжманд эканлигини англатади.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида банк тизимида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш орқали соҳани янада юксак тарзда ривожланишига асос бўлди.

Мазкур соҳа фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан ҳукуматимиз бўйича қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида банклар томонидан иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларига алоҳида имтиёзли кредитлар ажратилди. Хусусан, тадбиркор аёлларга 26,8 млрд. сўм миқдорида, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирларга 23,3 млрд.сўм миқдорида, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга 43,4 млрд.сўм миқдорида, маҳаллий ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 56,4 млрд.сўм миқдорида, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга 32,4 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш мақсадида чорвачиликни ривожлантириш учун тижорат банклари

ўз маблағлари ҳисобидан 9,1 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши қишлоқ жойларида аҳоли учун қўшимча даромад топишда муҳим омил бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қолаверса, ишбилармонликни молиявий кўллаб-қувватлаш «Асака» акциядорлик-тижорат банки Наманган вилояти филиали олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари дастуриламал бўлмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадларига 2,2 миллиард сўм миқдоридан кредитлар ажратилган.

Мустақиллик шарофати билан оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик учун кенг йўл очилганлигини ҳар бир туман ва қишлоқ мисолида кўриш мумкин. Ўз навбатида, банк филиали томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун кўп миқдорда кредитлар ажратилганлиги диққатга сазовордир.

Тадбиркорлар томонидан амалга ошираётган улкан ишлар, қўлга киритаётган ютуқлар, эришаётган натижалар ўз навбатда уларнинг замонавий бизнес асослари бўйича билимга эга ҳолда фаолиятни ташкил этишлари билан бирга тижорат банкларининг кредитларидан самарали фойдаланиш орқалидир. Масалан, Наманган туманидаги «Иқбол» масъулияти чекланган жамияти эришаётган муваффақиятларга юртимизда Президентимиз ташаббуси билан яратиб берилган катта имтиёзлар ва шароитлар сабаб бўлмоқда. «Асака» банкнинг Наманган вилояти филиалидан сутни қайта ишловчи ускуналар олиш учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит олиб, фаолиятни ташкил этиши натижасида қўшимча 5 та янги иш ўрни яратилиб, ишчи-ҳодимлар сони 15 нафарга етди. Ҳозирда Наманган шаҳри ва туманлардаги мактабгача таълим муассасалари ва шифо масканларини, қолаверса, аҳолининг сифатли ва экологик тоза сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда.

Республикаимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк улушини изчил оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш орқали

тадбиркорларни ҳуқуқлари мустаҳкамланиб бораётганлиги нафақат уларни қувонтиради балки ва масъулиятли бўлишга ундайди.